

# “Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari” elektron ilmiy jurnali



№ 1 (5), yanvar-mart, 2022-yil

## МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**АБДУЖАЛИЛОВ Абдували Баходир ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси

“Бизнесни бошқариш” (Master of Business

Administration-MBA) йўналиши магистранти

**Аннотация.** Муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш кредитларнинг даромадлиги ва риск даражалари ўртасидаги муносибликни таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Ўз навбатида, кредитларнинг даромадлиги ва риск даражалари ўртасидаги муносибликни таъминлаш тижорат банкининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, кредит, муаммоли кредит, кредит портфели, захира, брутто актив, фоиз ставкаси, инфляция.

### Кириш

Муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш муаммоли кредитларга таъсир қилувчи макроиқтисодий ва микроиқтисодий

кўрсаткичларнинг таъсирини тўғри ва аниқ баҳолаш ҳамда уларнинг мавжуд салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тижорат банклари

томонидан кредитлаш қўламини кенгайтириш вазифаси қўйилган [1]. Бу эса, тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини таъминлаш, шу жумладан, муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги, иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини паст эканлиги, корхоналарда пул оқимининг заиф эканлиги, уларда маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳажмида таннархнинг юқори эканлиги муаммоли кредитларни бошқариш амалиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Халқаро валюта фонди (ХВФ) экспертларининг фикрига кўра, муаммоли кредитлар деганда жорий шароитларда қайтмаслиги аниқ бўлган кредитлар тушунилади [2]. Бу ерда ХВФ экспертлари муаммоли кредитнинг мезонларига аниқлик киритмаган. Яъни, кредит бўйича тўловни неча марта кечиктирилиши, фоиз ўстирмаслик мақомини қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги каби мезонлар келтирилмаган.

Базель қўмитасининг банк назорати бўйича талабларига мувофиқ, муаммоли кредит (nonperforming credit) деганда тўлови 90 кундан ортиқ муддатга кечиккан ва банк фоиз ҳисоблашни тўхтатган кредитлар тушунилади.

Базель қўмитаси кредит тўловини 90 кунга кечикишини йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даража сифатида қабул қилади ва кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини кредитни муддати ўтганлигини 90 кунлик даври билан боғлайди. Қўмитанинг тавсиясига кўра, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади [3].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Базель қўмитасининг юқорида қайд этилган талабини амалиётга жорий қилиниши тижорат банкларини кредитлар бўйича захираларни ўз вақтида шақалантиришга мажбур қилади, аммо, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори

бўлган тижорат банкларининг ликвидлигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим П. Роузнинг фикрига кўра, муаммоли кредит деганда у бўйича кредит олувчи томонидан бир ва ундан ортиқ марта тўлов амалга оширилмаган кредит тушунилади [4].

О.Гасанов муаммоли кредитларнинг қуйидаги турлари мавжудлигини эътироф этади:

\*муаммоли қарздорлик тўғрисида огоҳлантирувчи белгиларга эга бўлган кредитлар;

\*кредит олган субъектнинг жорий ҳисобрақами бўйича айланманинг қолдиғини камайиши ҳисобига доимий равишда 1-2 кунга тўлови кечикадиган муаммоли кредитлар;

\*кредит олган субъектнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ҳисобига тўловлари тизимли бўлмаган ҳолда кечикаётган кредитлар;

\*тўлови сўнги ярим йил ичида 30 кундан ортиқ муддатга кечиккан кредитлар;

\*кредит олган субъект банкрот бўлганлиги сабабли умидсиз кредитга айланган муаммоли кредитлар [5].

Проф. Ж.Синкининг хулосасига кўра, кредит олишга талабгор бўлган миждознинг пул оқимини таҳлил қилиш кредит рискин пасайтириш муҳим омили бўлгани ҳолда, кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади [6].

Уэрта де Сотонинг фикрига кўра, биринчидан, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради; иккинчидан, банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши, пировард натижада, инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлишига ва берилган кредитларнинг қайтмаслигига олиб келади [7].

Проф. Н.Э. Соколинскаянинг хулосасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шаклантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш

кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [8].

#### Материал ва методлар

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан муаммоли кредитларнинг даражасини тавсифловчи қуйидаги кўрсаткичлар таклиф қилинган:

- кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси (ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси - 1,0%);

- муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси (мазкур кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегараси – 3,0%);

- муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси (ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси - 5,0%) [9].

Базель қўмитаси томонидан 2004 йилда кредит рискин баҳолаш бўйича “стандартлашган ёндашув”га кўра, кредит рискиннинг даражаси кредит олган мижознинг кредит рейтингига боғлиқ равишда белгиланади: мижознинг кредит рейтинги қанчалик юқори бўлса, кредит рисқи даражаси шунчалик паст бўлади; кредит рейтинги **BB** – дан паст бўлган мижозларга берилган кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил этади; кредит рейтинги мавжуд бўлмаган мижозга берилган кредитнинг риск даражаси 100% қилиб белгиланган [10].

#### Таҳлил ва натижалар


Тижорат банкларининг активлари таркибида юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли кредит портфелининг сифатидаги ўзгаришлар уларнинг ликвидлилигига кучли салбий таъсир кўрсатади.

Республикамиз тижорат банкларида муаммоли кредитлар миқдори ва даражаси нисбатан катта бўлиб, кейинги йўлларда муаммоли кредитларнинг банкларнинг кредит портфелидаги улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига муаммоли кредитларнинг таркибида иқтисодиёт тармоқлари кесимида саноатнинг улуши 28 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш 13 фоизни, қишлоқ хўжалиги 11 фоизни, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш 8 фоизни, қурилиш 5 фоизни, транспорт ва коммуникация, моддий ва техник таъминотни ривож-лантириш 1 фоизни ҳамда бошқа соҳаларнинг улуши 32 фоизни ташкил этди [11].

Таъкидлаш жоизки, давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Молия вазирига давлат дастурлари доирасида берилган ва қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариш вазифасининг юкланганлиги банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади [12].


фаолиятида ўзгаришлар йўлларини белгилаб берувчи рақамли банкнинг инновацион ривож-ланишнинг асосий йўналишларини урта гуруҳга бирлаштирилиши мумкин [2]:



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи [13]

1-расм маълумотларидан кўринадик, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, 2022 йилнинг 1 январь

ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг умумэтироф этилган даражасидан (3,0%) сезиларли даражада юқори бўлган. Ушбу ҳолатлар тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.



**2-расм. ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда<sup>1</sup>**

2-расм маълумотларидан кўринадик, 2017-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан юқори бўлган.

Республикамиз банк амалиётида тижорат банкларининг кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира

ажратмалари суммаси тўлиқ банкнинг харажатига олиб борилади. Шу сабабли, захира ажратмалари миқдорининг ошиши тижорат банкининг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, тижорат банкининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки, соф фойда тижорат банклари фаолиятининг барқарор ривожланишини белгилловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

**“Оҳангаронцемент” АЖнинг кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичлари, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига**

Молиявий коэффициентлар	Даражаси
Ликвидлилик коэффициенти	4,6
Қоплаш коэффициенти	7,3
Мухторлик коэффициенти	0,79

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, “Оҳангаронцемент” АЖ асосий молиявий коэффицентлар бўйича кредит тўловига лаёқатли ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики:

\*2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ва 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг умумэтироф этилган даражасидан (3,0%) сезиларли даражада юқори бўлганлиги муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

2017-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан юқори бўлган;

\*миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги тижорат банкларининг муаммоли кредитларни бошқариш амалиётига салбий таъсир кўрсатмоқда;

\*республикамиз иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2015-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги ва иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси таҳлил қилинган давр мобайнида жуда паст бўлганлиги тижорат банкларининг муаммоли кредитларни бошқариш амалиётига салбий таъсир кўрсатмоқда;

\*тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётда кредит рискин баҳолаш бўйича Базель қўмитаси томонидан Базель-II стандартида тавсия этилган стандартлашган ёндашув қўлланилади. Ушбу ёндашувга кўра, кредит олувчининг суверен кредит рейтинги қанчалик юқори бўлса, унга берилган кредитнинг риск даражаси шунчалик паст бўлади.

Муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш учун, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи

субъектларнинг кредит тўловига лаёқатлигининг баҳолашни такомиллаштириш мақсадида амалдаги асосий молиявий коэффицентлар таркибига қуйидаги молиявий коэффицентларни киритиш лозим:

\*тезкор ликвидлик коэффиенти;

\*муддатли ликвидлик коэффиенти;

\*молиявий маржа коэффиенти.

Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлигини аниқлашнинг амалдаги тартиби такомиллашмаган. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлигини баҳолашда атиги учта молиявий коэффицент (ликвидлик коэффиенти, қоплаш коэффиенти, мухторлик коэффиенти) қўлланилмоқда;

амалдаги методика корхонанинг кредитдан фойдалана олишининг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражасини аниқлаш имконини бермайди;

мавжуд методика кредит олмоқчи бўлган корхонанинг кредитор қарздорлиги даражасини баҳолаш имконини бермайди.

2. Замонавий портфель назариясини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитларни бошқариш амалиётига жорий қилиш керак.

Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

\*муаммоли кредитларнинг даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражаларини таъминлаш талаби банкларнинг Кредит сиёсатида мажбурий шарт сифатида белгилаб қўйилиши лозим;

\*кредитларнинг даромадлилик даражасини ўзгариши билан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган моделни қўллаш керак;

\*ҳар бир кредитлаш шакли бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларнинг банк кредитидан фойдаланишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражасини аниқлаш керак.

3. Овердрафт шаклида бериладиган кредитларнинг риск даражасини пасайтириш мақсадида кредитлаш лимитини белгилаш тартибини такомиллаштириш ва кредит шартномаси орқали мижозга ҳар ойнинг сўнги

иш кунида талаб қилиб олинган депозит ҳисобрақамининг кредитли қолдиғини таъминлаш мажбуриятини юклаш керак.

Овердрафт кредитлаш шаклида кредитлаш лимити, одатда, бир йилгача муддатга ажратилади. Халқаро банк амалиётида овердрафт кредити бўйича кредитлаш лимитини белгилашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

мижознинг жорий ҳисобрақами бўйича ўртача ойлик кредитли айланма;

мижознинг жорий ҳисобрақамидаги ойлик камаймайдиган қолдиқ;

ҳафтанинг беш иш куни мобайнидаги ўртача тушум;

бир ой давомида берилган овердрафт кредитлари миқдори.

Тижорат банклари фаолиятида овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит rischi даражасининг ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида, биринчидан, кредит олган мижоз ҳар ойнинг сўнгги иш кунида жорий ҳисобрақамнинг кредитли қолдиққа эга бўлишини таъминлаши лозим; иккинчидан, иш ҳақи бўйича тўловларнинг кечикишига йўл қўймаслик зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. www.imf.org(Халқаро валюта фонди).
3. Guidelines Prudential treatment of problem assets – definitions of non-performing exposures and forbearance: Basel Committee on Banking Supervision, July 2016, 41 p.
4. Хасянова С.Ю. Кредитный анализ в коммерческом банке: учеб. пособие / С.Ю. Хасянова. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 196 с.
5. Гасанов О.С. Оценка индекса риска ведущих банков России//Международный научный журнал «Символ науки». 2016. № 9. С. 80-82.
6. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 485-486.
7. Уэрто де СотоХесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.
8. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 150-151.
9. www.worldbank.org (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки).
10. International Convergence of Capital Measurement and Capital Standards: a Revised Framework. Available at: <http://www.bis.org/publ/bcbs118.htm>.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот//www.cbu.uz.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. www.lex.uz.
13. Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

